

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ  
ХУЗУРИДАГИ ЕР ҚАЪРИНИ ГЕОЛОГИК ЎРГАНИШ, САНОАТДА,  
КОНЧИЛИКДА ВА КОММУНАЛ-МАИШИЙ СЕКТОРДА ИШЛАРНИНГ  
БЕХАТАР ОЛИБ БОРИЛИШИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ ДАВЛАТ  
ИНСПЕКЦИЯСИ БОШЛИГИНИНГ  
БҮЙРУҒИ

**490** Саноат хавфсизлиги соҳасидаги эксперт ташкилотларини аккредитация қилиш ва улар фаолияти устидан инспекция назоратини ўтказиш учун тўловларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомнинг 3-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2013 йил  
13 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2105-2*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 1 ноябрдаги 313-сон «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Статистик, солиқ ва молиявий ҳисоботларни, лицензияланадиган фаолият турларини ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2012 йил 16 июлдаги ПФ-4453-сон Фармони)»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами 2012 йил, 44-сон, 507-модда) мувофиқ **буюраман:**

1. «Саноатконтехназорат» давлат инспекцияси бошлигининг 2010 йил 15 апрелдаги 126-сон буйруғи (рўйхат рақами 2105, 2010 йил 25 май) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 йил, 21-сон, 164-модда) билан тасдиқланган Саноат хавфсизлиги соҳасидаги эксперт ташкилотларини аккредитация қилиш ва улар фаолияти устидан инспекция назоратини ўтказиш учун тўловларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомнинг 3-бандидаги «ўн» деган сўз «беш» деган сўз билан алмаштирилсин.

2. Ушбу буйруқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган.

3. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим ҳамда у расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Бошлиқ**

**Б. ГУЛЯМОВ**

Тошкент ш.,  
2013 йил 4 сентябрь,  
115-сон

**37 (589)-сон**

**— 51 —**

**490-модда**

**Келишилган:**

*Молия вазири*

*Р. АЗИМОВ*

*2013 йил 4 сентябрь*